ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

7 октябрь, сешанба 1997 йил №117 (467)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

## Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ПЛЕНУМИ

**Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг пленуми бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари марказий қўмиталари раислари иштирок этди.**

Мамлакатимизда рўй бераётган муҳим сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларда барча жамоат ташкилотлари каби касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилиш уларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада муайян иш олиб борилаётган бўлсада, касаба уюшмалари тизимини замон талабига мос равишда ислоҳ қилиш, кадрларни танлаш ва уларни тарбиялаш, аҳоли ўртасида маданий-маиший ишларни янада яхшилаш, жисмоний тарбия ва спортни тобора ривожлантириш соҳасида касаба уюшмалари олиб бораётган ишларни қониқарли, деб бўлмайди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ҳ. Жамолов ўз аризасига кўра Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси вазифасидан озод этилди. Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган **Д. Жаҳонгирова** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини касаба уюшмалари ялпи конфедерацияси таркибидан чиқариш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов пленумда сўзга чиқди.

Пленумда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари **И. Жўрабеков**, Президентнинг давлат маслаҳатчилари **Т. Алимов, Ў. Раҳматов**, бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси **Д. Ғуломова** қатнашди.

**(ЎзА).**



### ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАИСИ ДИЛБАР НАБИЕВНА ЖАҲОНГИРОВА

1946 йилда туғилган, маълумоти олий, 1971 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини битирган.

Институтни тугатгач, Янгийўлдаги бирлашган шаҳар касалхонасида шифокор-гинеколог, Оққўрғон туманининг «Оққўрғон» давлат хўжалиги шифохонасида шифокор, Янгийўл туғруқхонасида шифокор, бўлим мудири, Янгийўл тиббиёт билим юртида директор бўлиб ишлаган.

1984-1986 йилларда тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари Тошкент вилояти қўмитасининг раиси, 1986-1991 йилларда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, 1991-1995 йилларда Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси лавозимларида ишлаган.

1995 йилдан Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари бўлиб хизмат қилиб келаётганди.

## Иқтисодиёт янгиликлари

**СУРХОНДАРЁ.** Деновдаги «Тўпаланг» сув қурилиш бошқармасига қарашли механизациялашган кўчма жамланма жамоаси янги бинолар қуриб, ишга туширмоқдалар. Яқинда «Пахтабанк»нинг Денов бўлими маъмурий биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Уни жамланманинг Қаҳҳор Қориев бошлиқ илғор участкаси жамоаси бунёд этди. Улар бу ерда 35 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

Жамланма бунёдкорлари Денов туман марказида ун заводи қурилишини ҳам жадал суръатлар билан давом эттиришмоқда.

* * *

**БУХОРО.** Республикамизда меҳмон бўлган Франция сенати, иқтисод ва режалаштириш комиссияси раиси Жан Франсуа Понсе раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бухорода бўлди.

Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Кейин улар Қоровулбозорда барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти билан ҳам қизиқдилар ҳамда корхонанинг иш жараёни билан танишдилар. Чунки, бу улкан корхонани барпо этишда Франциянинг «Трикнип» фирмаси мутахассислари ҳам жонбозлик кўрсатишган. Улар ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг турлари ва сифати билан танишар эканлар, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо бердилар.

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ.** Республикамиз шаҳарлари бўйлаб кезган Туркиянинг «КОЧавто» фирмасида ишлаб чиқарилган автомобилларни Ўзбекистон аҳолисига таништириш учун ташкил қилинган автоютиш қатнашчилари яқинда Қашқадарёда ҳам бўлдилар. Вилоятнинг Муборак, Косон шаҳарларида улар билан учрашувлар уюштирилди. Қаршида эса автомобиллар билан танишиш учун таклиф қилинган кўпгина вакиллар билан автомобиллар мутахассислари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг энг нуфузли фирмаларидан бирининг маҳсулоти бўлган автомобиллардан республикамиз халқ хўжалигида фойдаланишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ана шундай автомобиллар ишлаб чиқарадиган «СамКОЧавто» қўшма корхонасини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши учун яна бир имкониятдир

## ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИДА БИРИНЧИ

Ўрта Чирчиқ тумани пахтакорлари пахта йиғим-теримида Тошкент вилоятида биринчи ўринда бораяпти. Кунига 4 фоиз атрофида пахта тайёрланаяпти. Шу кунгача йиллик режа 60 фоиздан ошиб кетди.

Тумандаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари тумандагина эмас, ҳатто вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани адо этдилар. Давлатга 1900 тоннадан зиёд оқ олтин етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30 центнердан ҳосил топширилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасининг раиси Муҳаммаджон Отақуловнинг айтишича, суръат отини қамчилашда касаба уюшма фаоллари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. 21 мингдан ортиқ аъзо бирлашган 43 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари оммани йиғим-теримга сафарбар этишда, теримчиларга моддий ва маиший шароитлар яратишда, терим ҳақларини ўз вақтида тўланишида, меҳнат муҳофазасини таъминлашда, теримчиларга тиббий ва маданий хизматларни ташкил этишда ва бошқа соҳаларда бош-қош бўлмоқдалар. Ҳозирда туманда Бўстонлиқ, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳридан кўмакка келган 9 минг ҳашарчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг иш унумларини ошириш тадбирлари ҳам кўп жиҳатдан касаба уюшмаси ташкилотлари зиммасидадир.

Туманда машина теримига зўр берилаяпти. Хўжаликларда ишлаётган 110 дан ортиқ терим машиналарининг ҳар бири билан кунига ўрта ҳисобда 5-6 тоннадан пахта терилаяпти. Илғор механик ҳайдовчилардан Қобилжон Турсунов, Ҳакимжон Аҳмедовлар кунига 10 тоннадан ошириб, Лутфулла Аҳмедов эса Американинг «Кейс» машинасида кунига 40 тоннадан пахта тераяпти. Машинада терилган ҳар тонна пахта учун 200 сўмдан, қўлда терилган ҳар килограмм учун 3,5 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Улар ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борилаяпти.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ҳамда вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари раҳбарлари туманда йиғим-теримда қатнашаётганларга ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатаётир. Ҳа деган туяга мадор деганларидек, бу моддий, руҳий, амалий мададлар туфайли тез кунда туман бўйича маррани эгалланишт, 36 минг 300 тонналик хирмонни бунёд этилиши турган гап.

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч»мухбири



Булунғур туманидаги Мирзо Улуғбек номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кўп йиллардан бери узумдан турли маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу йил мазкур корхонада 10 минг тонна узум қайта ишланади. Бу ерда ишловчилар учун икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Суратда: (чапдан) корхона ходимларидан Комил Идибоев, Ҳалима Нуралиева, Ғулом Соатов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

## НУРЛИ УФҚЛАР САРИ

Республика махсус қотишмалар ташкилоти Қўйтош кони Жиззах вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири. Кон 1936 йилда ташкил қилинган бўлиб, биринчи кунлардан вольфрам рудаси қазиб олина бошланган. Қазиш ишлари 1991 йилга қадар давом этди. Вольфрам рудаси қазиб олишда сода эритмаси ва солян кислотасидан фойдаланиларди. Сода эритмаси Уфа шаҳридан, кислота эса Россия шаҳарларидан келтириларди. Бу шаҳарлар билан алоқа узилгач вольфрам қазиб олиш ишлари ҳам тўхтатилди. Конда 1993 йилга қадар турғунлик даври ҳукм сурди. Бироқ кон раҳбарларининг саъйи ҳаракатлари туфайли 1993 йилдан бошлаб янги маъданлар қазиб олиш ишлари бошланди - известяк, охра, кварцит ва темир рудаси қазиб чиқарила бошланди.

Известняк - оҳактошдан қурилиш материалларида фойдаланилади. Бекободдаги металлургия заводига фракцияланган оҳактош етказиб берилмоқда. Таъкидлаш керакки кондан қазиб олинаётган оҳактош Германия оҳактошидан сифатли ва арзон. Охра - сариқ тош бўлиб бўёқсозликда, цемент қоришмасида ишлатилади. Кварциддан эса чинни, лак бўёқ, шиша ва биллур ишлаб чиқарилади.

Кон келгуси йилдан бошлаб воластанит қазиб олишни бошлайди. Воластанит кальций ва кремний аксидларининг бирикмасидан таркиб топган бўлиб ундан қурилиш материаллари олинади, керамикада ишлатилади, бўёқсизликда, электрод ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Воластанит 1650 градус температурада эрийди. Унинг иссиқлик ва совуқликдан ўзгариш коэффценти жуда кам, шунинг учун уни самолётсозликда, ракетасозликда ва автомобилсозликда ишлатса бўлади. Агар уни битим билан аралаштириб йўлсозликда ишлатилса бундай йўллар узоқ йиллар ялтираб бузилмасдан, ёрилмасдан туради. Ҳатто ранги ҳам ўзгармайди. Азбист маҳсулотининг инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги аниқланган шунинг учун ўрнига воластанитни ишлатиш маъқул топилган. Унинг бошқа маъданлардан қулайлиги шундаки у очиқ усулда қазиб олинади, бу эса унинг таннархи арзонлашишга олиб келади. Агар водастанит қазиб чиқариш бошлаб юборилса ундан олинадиган даромад ҳозирги даромаддан бир неча баробар ортади. Айтиш керакки бир тонна воластанитнинг жаҳон бозоридаги нархи 500 доллар, бу албатта нисбий, ўзгариб туриши мумкин. Ҳозирги кунда кон республикамизнинг йирик саноат шаҳарлари билан алоқа боғлаган. Бекобод металлургия заводи, Навоий цемент заводи, Олмалиқ кон металлургия комбинатига ўзининг маҳсулотларини етказиб бермоқда. 1997 йилда кон Навоий цемент заводини маҳсулот билан тўлиқ таъминлашга эришди. Маҳсулот турлари кўпайган сари ишчи ўринлари ҳам ортиб бораяпти. 1995 йилда ишчилар сони 413 киши бўлган бўлса 1997 йилга келиб 610 кишига етди. Келгуси йилдан бошлаб воластанит Ўзбекистон - Россия қўшма корхонаси ишга тушса ишчи ўринлари сони янада ошади. Конда иш икки сменали, узайтирилган иш соатлари ташкил қилинган. Карьерларда ишчиларнинг дам олиш хоналари ва овқатланишлари учун ошхоналар ишлаб турибди.

- Ишчиларимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берганмиз,- дейди биз билан суҳбат чоғида Қўйтош кони касаба уюшма қўмитаси раиси Нормуҳаммад Холбеков, - улар учун кутубхона, стадион, шахмат шашка клуби, сузиш бассейни, ошхона, меҳмонхона хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг курорт ва санаторийларга боришлари учун бепул йўлланмалар бериб бораяпмиз. Бундан ташқари конда ишлаб нафақага чиққан ўртоқларга ҳам байрам кунларида совға саломлар бериб турамиз. 1947 йилдан буён конда ишлаб нафақага чиққан К.Эшқулов оиласига 5 минг сўм миқдорида ёрдам пули бердик. 30 йил конда ишлаб нафақага чиққан У.Пирматовнинг Ҳасан - Ҳусан ўғилларининг никоҳ тўйига совға сифатида 47 минг сўм миқдорида пул бердик. 10 кишига 22 минг сўмлик йўлланма пули ажратдик. 10 та Афғонистон уруши қатнашчиси, Чернобилчи йигитлар ишлашади. Биз уларни ҳам байрам кунлари унутмаймиз. Металлурглар куни - касб байрамида ишчиларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун 360 минг сўмлик совға берилди. М.Имомқулов деган ногирон йигитнинг уйланиш тўйига 15 минг сўмлик ёрдам кўрсатдик.

Ҳа, қаерда ишчиларга ғамхўрлик бўлса ўша жойда иш унумдорлиги ошади, ишчиларнинг ўз меҳнатларига бўлган ҳурматлари ортади.

Конга Сафар Искандаров директор бўлиб келгач бу ердаги аҳвол бутунлай ўзгарди.

Йўллар қайтадан таъмирланди, карьераларга борадиган йўллар созланди. Бир қанча маъмурий бинолар шарқона услубда қайта қурилди. Ўгат қишлоғидаги янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Демак кўп нарса раҳбарга, унинг ишбилармонлигига боғлиқ экан. Нима ҳам дердик нурли уфқлар сари дадил одимлаётган Қўйтош кони ишчиларига омадлар тилаб янги-янги конлар топилишида тилаклар билдирамиз. Халқимизнинг бахтига конларингиз булоқдек қайнаб чиқаверсин деймиз.

**Эгамберди ЎРОҚОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 7 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 55,39 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 122,94 |
| 10 Бельгия франки | 21,05 |
| 1 Голландия гульдени | 38,55 |
| 10 Греция драхмаси | 2,75 |
| 1 Дания кронаси | 11,40 |
| 1 БАА дирхами | 20,73 |
| 1 АҚШ доллари | 76,15 |
| 1 Миср фунти | 22,48 |
| 1 Ирландия фунти | 110,87 |
| 1 Исландия кронаси | 1,07 |
| 10 Испания песети | 5,15 |
| 100 Италия лираси | 4,42 |
| 1 Канада доллари | 55,52 |
| 1 Хитой юани | 9,19 |
| 1 Қувайт динори | 250,44 |
| 100 Ливан фунти | 4,96 |
| 1 Малайзия ринггити | 22,55 |
| 1 Германия маркаси | 43,41 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,89 |
| 1 Польша злотийси | 22,33 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,26 |
| 1 Сингапур доллари | 49,18 |
| 1000 Туркия лираси | 0,43 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,49 |
| 1 Франция франки | 12,91 |
| 1 Швеция кронаси | 10,17 |
| 1 Швейцария франки | 52,66 |
| 1 ЭКЮ | 84,91 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,83 |
| 10 Япония иенаси | 6,26 |
| 1000 Россия рубли | 12,98 |
| 1 Украина гривнаси | 40,72 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,72 |
| 1 Эстония кронаси | 6,01 |
| 1 Латвия лати | 130,17 |
| 1 Литва лити | 19,04 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 1,01 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,39 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***



## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Москвада расмий давлат ташрифи билан бўлган Буюк Британия бош вазири Т. Блэр Президент Борис Ельцин ва Бош вазир В. Черномирдин билан музокаралар олиб борди. Икки мамлакат ички ишлар вазирлиги ходимларининг уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда фаолият кўрсатишларига оид шартнома ташриф давомида имзоланган асосий ҳужжатлардан бири бўлди.

***

Афғонистонда толибларнинг мухолифчи кучлар билан қарама-қаршилиги давом этмоқда. Мозори Шариф шаҳрига қилинган ҳужум яна ўз натижасини бермаган. Ҳужум оқибатида азият чекканлар орасида тожикистонлик қочоқлар ҳам бор.

***

Грузияда радиоактив моддалар билан нурланган ҳарбий хизматчиларни даволашга киришилди. Собиқ иттифоқдан меърос бўлиб қолган радиоактив моддаларни сақлаш тартиблари қўпол равишда бузилиши мана шундай кўнгилсизликка олиб келган. Шу муносабат билан тегишли тергов бошланган.

***

Германия Эроннинг ўзаро муносабатларни яхшилашга оид таклифини рад этди. Германия томони биринчи галда Теҳронда ўз элчисининг фаолиятини бошлаш билан боғлиқ масала ҳал қилиниши керак деб ҳисобламоқда.

***

Чеченистонда фақат тиббиёт ходимларининг маошларини тўлаш учун 12 миллиард рубль керак бўлади. Россия бюджетидан шунингдек муаллимларнинг маошларини тўлаш учун ҳам маблағлар ажратиш мўлжалланмоқда. Россиялик юқори мартабали кишилар Чеченистоннинг Россиядан ажралиб чиқиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигига ҳамон шаъма қилмоқдалар.

***

Индонезия Президенти Сухарто мамлакат ўрмонзорларида давом этаётган ёнғинларни жиловлаш имкони бўлмаётганини эътироф этди. Шу муносабат билан етказилаётган азият учун у қўшни давлатлардан узр сўраган.

***

Россия билан Белоруссия муносабатлари кейинги пайтда кескин тус олишида икки томон бир-бирини айбламоқда. Россия томонининг эътирофига кўра, Беларуссия раҳбарининг Москва билан келишмасдан Липецк ва Ярославль вилоятларида бўлишга уринганн шундай оқибатга олиб келган. Айни пайтда россиялик журналист П. Шеремет уйдирма айблов билан Беларуссияда ҳибсда сақланаётгани қайд этилаётир.

***

Озарбайжонда шу ойнинг бошларида нефтчилар вертолёти Каспий денгизига қулаб тушди. Унда учувчилар билан биргаликда ҳаммаси бўлиб йигирма икки киши бўлган. Улардан фақат бир киши қутқариб қолинди. Вертолётнинг ҳалокати сабаблари денгиз тубидан кўтарилганидан кейин маълум бўлади.

***

Кеча БМТ қарори билан жаҳон миқёсида Турар-жойлар куни ўтказилди. Маълумки, уй-жойлар асосан лой, ғишт, ёғоч-тахтадан қурилади. Иқтисодий аҳволнинг оғирлашгани самараликлардан бирини ҳатто бўш шиша идишлардан бошпана қуришга мажбур этди. У келаси йили антиқа уйи олдига айвон ҳам қуришни мўлжалламоқда.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

Москванинг «Маяк» радиостанциясининг берган хабарига қараганда Тожикистон прокуратураси бир қанча террористик ишлар қилган, шу жумладан шу йилнинг 30 апрелида Хўжанд вилоятида республика президенти И.Раҳмоновга ҳам суиқасд қилган жиноий гуруҳ устидан тергов ишларини тугаллаган.

***

Қозоғистонда республика президенти Н.Назарбоевнинг таклифига мувофиқ келган Россия Бош министри В.Черномирдин икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий масалаларга доир бир нечта шартномаларни имзолаган. Булар орасида Бойқўнғир космодроми, Каспий денгизи мақомига оид ҳужжатлар ҳам бор.

***

Қозоғистон мудофаа министри Мухтор Олтинбоев билан Хитой мудофаа вазири учрашиб, иккала давлат чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш лозимлиги келишилган.

***

Афғонистондаги нотинч вазият, айниқса, Мозори-Шарифнинг ўққа тутилиши тожик қочқинларини ватанларига қайтишини қийинлаштириб қўйди. Куни кеча улар жойлашган лагерга бомба тушиши натижасида 4 киши ўлган, 40 киши ярадор бўлган.

## РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафтада 41 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 16 таси кимошди, 24 таси биржа, 1 таси танлов савдоларидир. Ҳафта давомида 312 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 79 млн.213 минг сўмдан иборат бўлди. Мазкур ҳафтада РКМБ филиаллари ўртасида сотув ҳажми бўйича биржанинг Самарқанд вилояти 1 ўринни эгаллади. Самарқанд вилоятида ҳафта давомида 44 та мулк 36 млн.814 минг сўмга сотилди. Иккинчи ўринни биржанинг Фарғона вилояти бўлими эгаллади. Ушбу вилоятда ҳафта давомида 40 та иншоот 10 млн. 881 минг сўмга сотилди. Ўтган ҳафтада кўчмас мулк биржасида сотилган мулклар ичида энг йирик мулк биржанинг Самарқанд вилояти бўлимида сотилди. Самарқанд шаҳридаги 3 қаватли маъмурий бино 25 млн. сўмга чет эл инвесторлари ихтиёрига берилди. Кўчмас мулк биржасида ўтган ҳафтада бўлиб ўтган савдоларда мулкнинг бошланғич нархига нисбатан сотилиш баҳосининг ўсиш суръати республика бўйича 1,06 баробарни ташкил этди.

***

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида ўтган ҳафта бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 10 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар 16,7 мингта акцияларини сотиб, 19,9 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Шу савдода юқори самарадорликка Қашқадарё вилояти «Қарши ирмонтаж ИМТ» ҳиссадор жамияти эришди. Улар 8 миллион сўмлик 8 мингта оддий акцияларини сотилишига эришдилар. 19та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатди. Умуман, биржаларда савдолар кутилган натижаларни бермоқда.

